



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 15 октябрь, чоршанба

№ 82 (10.961)

Эркин нархда сотилади

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — БОШ ВАЗИФА

КЕЧА Тошкент вилояти ҳокимлигида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга бағишланган вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовинлари, бўлимлар, бошқармаларнинг бошлиқлари, туманларнинг ҳокимлари, туман қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, жамоа ва деҳқон-фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Э. Рўзиев республика Президенти И. А. Каримовнинг шу йил 7 октябрь кунини қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Фаоллар йиғилиши иштирокчилари кун тартибидега масала юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Т. А. Алимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Фаоллар йиғилишида қўрилган масала юзасидан тегишли тadbирлар белгиланди.

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1997 йил 14 октябрда бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир қунда, учинчи устун — мавсум бошидан бери

Ўртачирчиқ	2,36	75,60
Юқоричирчиқ	3,04	72,22
Чиноз	1,51	70,11
Янгийўл	2,01	64,14
Бўка	2,26	60,66
Бекобод	1,91	59,99
Пскент	2,25	55,77
Куйичирчиқ	2,50	48,86
Оққўрғон	3,41	26,28
Вилоят бўйича	2,40	57,34
1996 йилда бўлган эди	2,29	57,89

Тезкор матбуот гуруҳи хабар қилади

ҚИРҚНИ КЎЗЛАШЯПТИ

ОЙБЕК номли жамоа хўжалигида деҳқон-фермер хўжалиқлари кўп. Аммо Эрмат Абдуқаҳоров бошлиқ фермер хўжалиги сентябрь ойидаёқ улар орасида биринчи бўлиб режани бажариб, маррага етган эди.

Фермер хўжалиги давлатга жами 18,5 тонна пахта топширди. Ҳосилдорлик 37 центнерга етди. Пахтанинг 4 тоннасини фермернинг оила аъзолари — Ҳанифа ва Матлуба Абдуқаҳоровалар теришди. Фермер хўжалиги ҳосилдорлики гектарга 40 центнерга етказишни мўлжаллапти.

Зулфиддин САПАРОВ, Бекобод тумани.

БИРИНЧИ БЎЛИБ МАРРАГА ЕТДИ

ЧИНОЗ туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалигининг Фатхиддин Жўраев бошлиқ бригадаси аъзолари 39 гектар майдондан 99 тонна пахта топшириб, хўжаликда биринчи бўлиб йиллик режани бажаришди. Ҳар гектар ердан 25,7 центнердан ҳосил териб олинди. Бригада ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 20 тонна пахта териб, ҳосилдорлики 30 центнерга етказишга қарор қилди.

Ҳар бир сўмлик сарф-ҳаражат тежалиб, ўз ўрнида ишлатилгани яхши натижа берди, — дейди Ф. Жўраев. — Даромадимиз 2 миллион 350 миң сўмга етди. 1,2 миллион сўм соф фойда олдик. Шунинг 480 миң сўминини 25 нафар бригада аъзоларига иш ҳақи сифатида бериляпти.

Энг кўп пахта терган теримчилар иш ҳақидан ташқари пул мукофотлари ҳам олмақдалар. 2,8 — 3,5 тонна пахта териб топширган Нарғиза Аҳмедова, Тошўлтай Бегалиев, Манзура Қолдиқороева ана шундай мукофотнинг совридорлари бўлишди.

Рустам КАМОЛОВ.

РЕЖА УДДАЛАНДИ

Тўлаган Исоқов бошчилик қилаётган бригада пахтакорлари Бўка туманининг Йўлдош Хожиматов номли жамоа хўжалигида биринчилардан бўлиб маррага етдилар.

Улар 34 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлики 27,7 центнерданга етказдилар.

Бригада жамоаси ўз имкониятларини чамалаб қўриб, яна 20 тонна «оқолтин» териб беришга аҳд қилди.

Карим НОРБОВЕВ.

Вилоят ҳаёти янгиликлар, одамлар, воқеалар

ҚЎШМА КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

КЕЧА Келес шаҳридаги «Шароб» ҳиссадорлик жамияти қошида болгариялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда «Болгар-Шароб» қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Жўра Тошўлатов раҳбарлик қилаётган ўшбу корхонада дастлабки маҳсулотлар — вино, ароқ, бренди каби спиртли ичимликлар ишлаб чиқарила бошланди.

Корхона аъзоларининг максиди республикамиз бозорига ўзларининг сифатли маҳсулотлари билан баҳоли-қудрат ҳисса қўшишдан иборатдир.

Савдулла МАТЕКУВОВ.

ЯНГИ ТЕГИРМОН ИШГА ТУШДИ

«БАЙТИКЎРҒОН» жамоа хўжалигида эл-юртга катта наф келтираётган тadbиркорлар сони кўпайиб бормоқда.

Ана шулардан бири Худойберган, энг қулай бўлган жойга Холиқовдир. У ўз жамғармаси ҳисобидан монда ҳар кун 300—400 кичик тегирмон сотиб ва хўжаликнинг марказига — ҳамма учун қулай бўлган жойга килограмм бугдой тортиниб, ун қилиб берилмоқда.

ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

ОЛМАЛИҚДАГИ «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси қўлдан чиқаётган турли маъданли ўғитлар республикамиз қишлоқ хўжалигида, айниқса, унинг етакчи тармоғи-пахтачиликда кенг ишлатилмоқда. Корхонанинг бундай маҳсулотлари ўзининг сифати даражаси юқорилиги билан ажралиб туради.

Шу тўғрисида бундай «ер хамиртуруши»ни ҳаққонлик билан айтиш мумкин. Россия, Қозоғистон, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея каби хорижий миқозлари қатори яна битта мамлакатга кўпайди.

А. ҲАМИДОВ.

ДАЛА ШИЙПОНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

ТОШКЕНТ Давлат аграр университетини талабалари ўртачирчиқ туманида жойлашган тажриба-ўқув хўжалиги далаларида деҳқончилик қилиб, билим ва тажрибаларини оширадлар. Улар хўжаликда мўл ҳосил етиштиришди. Уни йиғиб-териб, саранжомлаб олиш ҳам талабаларнинг зиммасида бўляпти. Улар тараётган ҳосил кунига ўртача 60—70 килограммданга тушяпти. Уктам Бухоров, Илҳом Сухонов, Комил Қорабоев, Абдуазим Окбоев, Умид Мамадалиев, Нилуфар Шодиева ва бошқа ўнлаб илгор теримчилар эса кунига хирмонга 100—110 килограммдан пахта топширмоқдалар.

Яқинда «Камолот» ёшлар жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ санъаткорлар, ёзувчи ва жамоатчилик вакиллари улар ҳузурини бўлишди. Дала шийпониде бўлиб ўтган учрашувда халқаро Амир Темур экспедицияси раҳбари Фахриддин Ашрафқўжаев, Раҳимжон Солихов, Қаҳрамон Муратовлар экспедиция олиб борган хайри ишлар ҳақида хўжа қилиб бердилар.

«Камолот» жамғармаси қошида ташкил этилган «Мутти» гуруҳи, Тошкент Давлат консерваториясининг хонанда ва созандалари ижро этган куй ва қўшиқлар, ичакўзди хандалар ёшларда яхши таассурот қолдириди. Шу кунги илгор теримчиларга «Камолот» жамғармасининг кимматбахо совғалари ва пул мукофотлари ҳам топширилди.

Жўра МАҲМУДОВ.

ДЎРМОНДА ЯНГРАГАН ҚЎШИҚЛАР

«ДЎСТИК тароналари» дастасининг ташкил этилганга ҳали кўп бўлган йўқ. Аммо ўтган давр мобайнида бу гуруҳ ўз мухлисларига эга бўлиб бормоқда.

Қибрай тумани «Дўрмон» жамоа хўжалигининг Рустам Ибрагимов бошчилик қилаётган сабзавотчилик бригадаси дала шийпониде «Дўстлик тароналари» дастаси хонанда ва созандалари гуруҳининг концерти номийиш этилди. Дадамуродов Муродов ва Аҳмадجان Бегматовлар ижро этган дилрабо қўшиқлар сабзавоткорлар қалбига ҳузур бахш этди.

Абдул ҲАМИД.

Вилоят ҳаёти янгиликлар, одамлар, воқеалар

Бу ҳақда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси мажлисида гапирилган эди

ДАРОМАДНИНГ УЧ МАНБАИ

Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорациясига пай усули юксак самаралар бермоқда.

Яқинда республика Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган йиғилишда қатор хўжалиқларнинг номлари алоҳида тилга олинди. Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» халқ корпора-

цияси ҳам кейинги йилларда иқтисодий ислохотларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ эта бориб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Куйида ана шу корпорациянинг фаолияти ҳақида хўжа қиламиз.

да улуши бўлган барча акциядорлар бундай даромадан баҳраманд бўлдилар. Йил натижалари бўйича тўрт миллион сўмдан ортиқ маблағ акциядорларга бўлиб берилди. Бошқача айтганда, хўжаликда бир вақтлар ишлаб кетган, асосий воситаларни вужудга келтиришда муайян ҳиссаси бўлган кишилар ва пенсионерлар ҳам бугунги кунда ўзини мулкдор санамоқда, хўжалик одаётган фойданинг муайян қисмига эгалик қилмоқда.

— Хўжаликда мулкчилик шаклини ўзгартириш мақсадида бу борадаги кўпгина тажрибаларни ўрганиб, — дейди корпорация бошқарувчи кенгаши раиси Асқар Каримов. — Ниҳоят, ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтишга қарор қилинди. Хўжаликка иккита мустақил ҳуқуққа эга фирма аъзо бўлиб кириш истагини билдиргач, корпорация тизими ташкил топди. Жамоа хўжалигининг мулки шу ерда ишлаган кишиларнинг бир неча ўн йиллик маҳсули, албатта. Шундан елиб чиқиб, ҳар бир жамоа аъзосининг умуммулкдаги ҳиссаси, яъни пайи аниқланди. Бунга иш ҳақи асос қилиб олинди. Асосий воситалар 95,9 миллион сўм баҳоланди. Улар асосан 1965 йилдан кейин шаклланди хисобга олинди, ҳиссадорлар сафига кейинги ўттиз йил ичида хўжаликда ишлаб кетган ва ғалаб келётган кишилар киритилди. Беш мингга акция сertiфикати чиқарилди. Ҳозиргача уларнинг уч мингга яқини тарқатилган.

«Гулистон» жамоа хўжалиги корпорацияга айлантирилган, унинг аъзолари бугунги кунда бир неча даромад манбаига эга бўлди. Биринчи манба — бу иш ҳақи. Ҳар бир меҳнатқаш шу жамоа аъзоси сифатида лавозими, бажарган ишининг ҳажми, сифатига яраша ҳақ олмақда. Иккинчи манба — бу мукофот. Ҳуеусан, ўтган йил якунига қараб, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва истеъмол фонди учун 4 миллион 643 миң сўм ажратилди. Яна бир даромад манбаи — бу пайга тўланадиган дивидентлар. Яқинда нафақат хўжалик аъзолари, балки, умуммулк-

пайдо бўлди. Энг муҳими, деҳқоннинг ўз меҳнат натижаларидан манфаатдорлиги, ердан, сувдан, техника, ўғит, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самаралорлиги ортди. Ёпиқ ҳиссадорлик жамияти шаклидаги корпорация кўп тармоқли, йирик, ички кооперация кучли ривожланган хўжаликка айланиб бормоқда. Айни пайда унинг таркибиде еттига агрофирма мавжуд, уларнинг тўрттаси деҳқончилик, қолганлари эса чорвачилик, техника ишлари, маданий-маиший соҳа бўйича шуғулланмоқда. Улар иш юритиш, меҳнатни ташкил этишда мустақилдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар ҳам кўпгина ислохотлар ўтказилганини яхши биламиз. Улар хўжалик мустақиллигини оширишга қаратилгани ҳам маълум. Аммо, бунда бошқариш, режалаштириш, ресурслар билан таъминлаш «оқорининг тасарруфида қолаверарди. Ҳатто, маҳсулотни сотиш, фойдани тақсимлаш тартиблари, метьёрларини ишлаб чиқариш тартиби иш ҳақи ва мукофотларни тўлаш қондаларига ўша ердан белгилашар эди. Ана шунинг оқибатида янгиликлар амалда қўйилган самарани бермай қорғош қилиб кетар эди. Хўжалик баъисоли тушовланган тулпордек эди. Мустақиллик шарофати билан бу тушов узилди. Бугунги кунда хўжалик тўла маънода эркин. Демак, нурули мангиллар ва улў мақсадлар сари бемалол ҳаракат қилса бўлади.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири.

Мустақил республикамизнинг бугунги ҳаёти, юрtdошларимизнинг орузинтиллари кўриб беихтиёр севиносан киши. Қаранг-да, кимдир кичик корхона очиб маҳсулот ишлаб чиқаришти, кимдир сеvimли касб-кори, ҳунармандлик билан шуғулланмоқда, яна кимдир тижорат соҳасида ўзини синаб кўраётди. Хуллас, ҳар бир шахс муайян мулкка нисбатан ўз ҳуқуқини эмин-эркин амалга оширмоқда. Бинобарин, бизда давлатимиз қудратининг юксалиши, жамиятимизда иқтисодий-сиёсий барқарорлиқнинг таъминлашида муҳим аҳамият касб этувчи қатлам — мулкдорлар синфи шаклланаётди. Лекин ҳусусий табирикорлик билан ҳамма ҳам бирдай шуғуллана олмайди. Шу бонис мулкдор бўлишининг иккинчи муҳим омиллини қўллаш, яъни буни қиматли қорғозлар воситасида амалга ошириш учун кенг йўл очиб берилди. Шу маънода пойтахт вилоятинида қишлоқ хўжалик корхоналарининг ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, корпорацияларга айлантиришнинг аҳамияти кўпайиб кетди. Бу борада Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорациясига ўзига хос таж-

риба тўпланмоқда. Корпорацияда ишлаб чиқариш режалари ошириб бажарилмоқда. Хусусан, хўжаликда ўтган йилги тўрт миң тоннага яқин дон, қарийб 5200 тонна пахта, шунингдек, кўп миқдорда сабзавот, гўшт ва суг, пилла етиштирилди. Деҳқончиликда ҳосилдорлик анча юқори. Ҳар гектар майдондан ўртача 45 центнердан дон, 32 центнердан ошириб пахта, 300 центнердан сабзавот йиғиштириб олинмоқда. Бошқача айтганда, бултур галлачиликдан уч ярим миллион сўм, пахтачиликдан эса 5 миллион 150 миң сўм фойда кўрилди. Муваффақият омилли, оддий ва ҳаммаимизга маълум. Бу ерда иқтисодий ислохот изчил амалга оширилмоқда, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илгор усулидан самарали фойдаланилаётди.

Шу ўринда хўжаликда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ўз тарихига эга эҳалигига эътибор қаратиш лозим. Агар иш юритиш бу ерда етмининчи йилларда бригада усулида ташкил этилган бўлса, саксонинчи йилларга келиб ижара пудрати кенг қулоч ёйди. Айни пайда деҳқончиликда тўлиқ оила пудратига ўтишти. Хўжаликда бугунги кунда юзлаб оилавий пудратчилар мавжуд.

БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗГИН

Бухоро ва Хева шаҳарларининг кутлуг 2500 йиллиги тўйи тобора яқинлашмоқда. Улкан умумхалқ байрами сифатида нишонланган бу тантаналарнинг юксак савияда ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Ушбу юбилейларга тайёрлик қилиш ва уни ўтказиш ташкили кўмитаси аъзоларидан бир гуруҳи Хевага келди. Бу ерда тегишли вазирлик, қу-

мита, уюшма ва идоралар раҳбарлари иштирокида юбилейга ҳозирлик қандай бораётгани муҳокама этилди, байрам тadbирлари ўтказилган жойлар кўздан кечирилди. Республика Маданият ишлари вазири Х. Жўраев, юбилей тadbирлашган томоқсининг бош режиссери Р. Ҳамидов аъборот берди. Ўзбекистон Фанлар академиясини президентиги Т. Жўраев юбилей муносибати билан ўзгайилданган ил-

мий конференцияга ҳозирлик билан боғлиқ масалаларга тўхтди. Йиғилишда таъбирларлик ишларини ниҳоятга етказиш юзасидан муваффақ раҳбарларга аниқ курсатмалар берилди. Муҳокамада Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов, Бош вазир уринбосари А. Азизқўжаев сўзга чиқди. Йиғилишда вилоят ҳокими И. Юсупов қатнашди.

(ЎЗА).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ га обуна бўлинг!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Мамлакатимизда 1998 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна бошланди. Ҳар йиллик бу йил ҳам газетамиз Сизнинг энг яқин маслаҳатдошингиз, ҳамроҳингиз бўлиб қолишига ишонамиз.

Давроқе, эслатиб ўтамиз: «Тошкент ҳақиқати»га обуна нархи бошқа газеталарга нисбатан бирмунча арзон.

Бизнинг нашр кўрсаткичимиз; яққа обуначилар учун: 205, ташиқолатар учун: 206


«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ёзилинг!

Вилоят ҳаёти янгиликлар, одамлар, воқеалар

Оҳангаронда Туркия корхонаси

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ сийёсий ва иқтисодий барқарорлик чет эл инвесторларини тобора кўпроқ унга жалб қилмоқда. Улар ўз маблағлари ҳисобига қўшма корхоналар ва алоҳида ишлаб чиқаришлар ташкил этишпти. Туркиянинг машҳур «Айлин Гида Санайи» фирмаси ҳам бу ишда тобора фаол қатнашмоқда. Унинг Оҳангарон шаҳрида ишга туширилган шубба корхонаси қандалатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Хозирча бу ерда Туркия асбоб-ускуналари ёрдамида ҳар куни 4,5 тоннагача беш хил



печенье ишлаб чиқарилмоқда. Лекин, унинг кубвати анча ошқидир. Бу кубватлар тўла ўзлаштирилгач, қунига турли хил ширинликларни тайёрлаш 15 тоннагача етди. Корхона таъсисчилари вақти келиб фақат Ўзбекистон бозорини шундай истеъмол маҳсулотлари билан тўлдиролмади ташқари уларни Марказий Осиё республикаларига ҳам экспорт қилишни назарда тутмоқдалар.

Корхона ишлаб чиқариш юксак маданиятлиги билан ҳам ажралиб туради. Барча цехлар саранжом-сарийшта. Урнатилган

асбоб-ускуналарни маҳаллий йигит ва кизлар бошқармоқдалар. Хозирча ишчилар сони 100 кишини ташкил этиб турпти. Бу ёш ишчиларга Туркиядан келган 12 нафар мутахассис муракаб қандалатчилик маҳоратини эгаллашларида ёрдам бермоқда.

Фирма раҳбарлиги корхонанинг нисом жамғармисига 1 миллион 240 минг доллар ажратди. Кейинчалик уни қанғайтиришга қарор қилинди. Бу ерда халқ истеъмоли товарлари тайёрлаш бўйича яна 2 та фабрика қуриш назарда тутилмоқда.

Тамара КРИКУНОВА.

СУРАТЛАРДА: фабрика директори Ундар Мамадали ва назоратчи Светлана Сидорова маҳсулот сифатини текширмоқда; қадокловча Фотима Сотиболдиева (чапдан унгра) ва бош директор уринбосарлари Сайфиiddин Зайниiddин (Ўзбекистон), Уздурап Марийш (Туркия) маҳсулот ҳақида фикрлашмоқдалар.

Равайн НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЯНГИ ЙЎЛЛАР ОЧДИ

Олти йилдирки, Хитой Халқ Республикаси Синьзян (Уйғур Мухторияти)нинг пойтахти Урумчи шаҳрида Халқаро Урумчи ташқи иқтисодий ва савдо ярмаркасини ўтказиш анъанасига айланган. Уйғур Мухторияти ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик бўлими томонидан шу йилнинг 1-8 сентябрь кунлари ташкил этилган ва ўтказилган ярмарка урумчиликлар учун муҳим воқеалардан бири бўлиб, унга жуда катта тайёргарлик қўрилган эди.

Умумий майдони 15000 м² ёпиқ ва 17000 м² очиқ майдонни ташкил этган Урумчи кўргазмалар марказида бўлиб ўтган ушбу анжуманда жажоннинг 12 мамлакатидан 1050 фирма ва компаниялар, 40 дан зиёд мамлакат вакиллари ўз маҳсулотларини кенг намойиш этдилар. Ўзбекистон ҳам илк бор мазкур анжуманда қатнашди. Республика-миздан «Ўзавтосаноат», «Ўзкимёсаноат», «Ўзэлтеханоат», «Ўзенгилсаноат» асоссиациялари, «Ўзқишлоқмаш холдинг», «Ўзметасабзавотвиноаноати — холдинг» компаниялари, Маҳаллий саноат, Социалитал, Ист Баттерфляй, Самарқанд — Прага, Республика фантехника Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Марказсаноатэкспорт» фирмалари, «Марказий Осиё Транс» транспорт экспедиторлик компанияси иштирок этдилар. Шунинг айтиш кераки, республикамиз қатнашчилари ҳам бу тадбирга катта тайёргарлик қўрдилар. Улар ўз ташкилотлари, корхоналари фаолиятини ёритувчи реклама проспектилари, маълумотнома, нишонлар тайёрлаб келдилар. Ярмарка иштирокчилари ўз соҳаларига алоқадор бўлган мутахассислар билан қизгин музокаралар олиб бордилар. Бу тадбирда республикамизнинг иштироки уни Осиё бозоридидаги ўз ўрнини, мавқеини янада мустаҳкамлади, доврўғини дунёга таратди, десак муболаға бўлмайди. Вакилларимиз олиб келган маҳсулотлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Асака автомобил заводи ишлаб чиқараётган «Нексия», «Дамас», «Тико» енгил автомобиллари ҳар дақиқа меҳмонлар диққатини жалб қилиб турди. Кўргазманинг сўнги кунини эса Урумчи шаҳри кўчалари бўйлаб ўтказилган автопойга шахарликлар қалбига узоқ вақт сақланиб қолишига шубҳа йўқ. Асака заводининг илк қалдирғочлари шахар кўчаларида гўёки учиб бордилар.

«Ўзавтосаноат» асоссиацияси Пекин шаҳрининг «Мей Кей» компанияси билан 2,5 миллион АҚШ доллари миқдорда 200-300 дона, «Куйун» Урумчи савдо компаниясига 740 минг АҚШ доллари нархида 100 дона, Қозғистоннинг «Шокон» техник-иқтисодий излаш ва инвестицион лойиҳа бюросига 1.722.000 АҚШ доллари нархида 300 дона «Тико» енгил автомобиллари етказиб бериш тўғрисида келишиб олдилар. Узининг 15 корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан иштирок этган «Ўзқишлоқмашхолдинг» компанияси ХХРнинг Октябрь трактор заводи билан 2 миллион 407 минг АҚШ доллари нархида минитракторлар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ҳақидаги битимни имзолади. Уйғур журналистлари бу компаниянинг фаолиятини ёритишга катта аҳамият бердилар. Мазкур компа-

ланди. «Ўзбекингилсаноат» асоссиацияси корхоналарининг маҳсулотлари доврўғи аллақачон хитойликларга маълум экан. Ўзбек чининси, пой-абзали, миллий матолари ярмарка меҳмонлари ҳукмига ҳавола қилинди. Мамлакатнинг ўнга яқин корхоналари енгил саноат корхоналари билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар.

«Совпластитал», «Ист Баттерфляй», «Самарқанд—Прага» қўшма корхоналари маҳсулотларига бўлган қизиқиш ҳар дақиқада сезилиб турди. «Ист Баттерфляй» Ўзбек-Ҳинд Швейцария қўшма корхонаси ишлаб чиқараётган экологик тоза идишларини савдо қилиш юзасидан «Зонг Шантреймарк» фирмаси қошида ваколлатхона очиш ҳақида таклиф киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Фантехника давлат қўмитаси фаолияти билан ХХР, Қозғистон, Россия, АҚШ ва бир қатор мамлакатларнинг юздан ортқ фирма ва компанияларининг вакиллари танишдилар. Хун-Пун Ко (Суар) Шанхай фармацевтика компанияси, Россиянинг Синва савдо фирмаси ва бошқалар ҳамкорликда ишлашни таклиф этдилар. Шунингдек, қорақул, қуруқ мева етказиб бериш бўйича ҳам музокара олиб борилди. «Ўзметасабзавот холдинг» компанияси ҳам хитойлик мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш, Хитой бозорини ўз маҳсулотлари билан тўлдирish ҳақида келишиб олишди. Шунингдек, Тошкент авиация ИЧБ, «Инновация», «Марказий Осиё Транс», «Марказсаноатэкспорт» фирмалари ҳам ижобий натижаларга эришдилар.

Ушбу ярмарка Ўзбекистоннинг фақатгина айрим соҳалари билангина жажон оммасини таништирди. Кўргазма кунлари Ўзбекистон бўлимининг кириш қисми аъло даражада безатилгани билан алоҳида ажралиб турди. Ярмарка ҳайъатининг қарорига кўра Ўзбекистон «Ярмаркани аъло даражада ташкил қилгани учун» соврини билан мукофотланди.

Ватанимиз равнақи, она юртимизни жажонга танилишига, чет элликлар билан савдо-сотикни, ўзаро ҳамкорликни урнатилга, Ўзбекистонни жажон бозорига дадил кириб боришида муҳим роль ўйнаган бу анжуман биз учун ана шундай муваффақият билан яқунланди.

Маҳмуда ИСМОЙЛОВА,
«Ўзэкспомарказ» РККС ахборот бўлими бошлиғи.

ДАРОМАД КЎПАЙМОҚДА, МАНФААТДОРЛИК ОРТМОҚДА

Ёнида «Бекобод автотранспорт корхонаси» ёзуви бўлган автобусларни вилоятимизнинг деярли барча шаҳарлари ва туманларида учратиш мумкин. Улар туни кун фуқаролар хизматида бўлиб, уларнинг узогини яқин, огирини енгил қилмоқда. Бу йилдан бошлаб эса хизмат кўрсатиш доираси янада кенгайди.

Автобуслар қатнаётган манзилгоҳлар кўпайди. Бозор иқтисодиёти шароитида йўловчиларнинг эҳтиёжи ҳисобга олиниб қатор янги йўналишлар ўзлаштирилди. Марказий Осиёдаги қардosh мамлакатларга ҳам автобуслар қатнамоқда. Буюртмалар бўйича автокорхонага қаршали транспорт воситалари Алматига, Туркистонга, ҳатто Россиянинг Оренбург ва бошқа шаҳарларига ҳам бермоқда.

— Қўшимча йўналишлар очишни давр тақозо этмоқда, — дейди автосарой раҳбари Абдуғани Мухиддинов. — Албатта, бунда имкониятларимизни ҳам ҳисобга олаётимиз. Узоқ масофага қатнаш учун энг замонавий автобусларни ва тажрибали ҳайдовчиларни ажратаямиз. Икарус-255, Икарус-266, ДЭУ русумли машиналаридан фойдаланаямиз. Бу ҳам жажонимиз даромадини кўпайтиришга ёрдам бермоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида даромад, демак фойда олишнинг янги-янги манбаларини излаш керак. Шундай қилин-маса иқтисодий огир аҳволга тушиб қолиш мумкин. Айни вақтда барча йўналишлар бўйича қатнаётган ҳайдовчиларнинг моддий манфаатларини ўз меҳнатлари натижасига боғлиқлиги янада кучайтирилди. Кўп жиҳатдан шу туфайли

хам йўловчиларга хизмат кўрсатишда силжишга эришяёмиз. Корхона хиссадорлик жажонига айлангангидан кейин унинг аксарият мулки жажонаки бўлиб қолди. Бу меҳнатга муносабатни кескин яхшилади. Ўз вазифасини виждонан ва ҳалол бажарадиган транспортчилар сафи кенгайиб бораёпти. Натижада жажонинг иш

кўрсаткичлари йил бошидан бери ой сайин яхшиланаяпти. Утган саккиз ой ақунлари ҳам шундан далолат бериб турипти.

Шу даврда ялпи ташилган йўловчилар сони деярли 11,5 миллион кишини ташкил этди. Йўловчи-километр кўрсаткичи бўйича топширик 107,2 фоизга борди. Қўшимча 7 миллион-йўловчи — километр йўл босилди.

Бу эса даромаднинг ортишида ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилди. Хозирги бозор иқтисодиёти шароитида эса даромад ва фойда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, жажонинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш учун қулай имкониятлар вужудга келтиради. Шунинг ҳисобга олган транспортчилар ҳар бир литр ёнилғимойлаш материалларини, шиналарни, эҳтиёт қисмларни тежаб-тергаб ишлатишга, автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини яхшилашга, уларнинг таъмир-сиз ҳаракатда бўлиш

муддатларини узайтиришга катта эътибор бермоқдалар. Шу туфайли ҳам жорий йилнинг ўтган ойларида олинган даромад ҳажми чакки бўлмади. Режада ялпи даромаднинг 76 миллион 323 минг сўм бўлиши белгиланган эди. Амалда жами қўрилган даромад 94 миллион сўмдан ҳам ортқроқ бўлди ёки 125,4 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб қўшимча 19422 сўмлик даромад қўрилди. Айни вақтда ишлаб чиқаришнинг фойдаси 8,09 фоизни ташкил этиб, 6 миллион 452 минг сўмга етди.

Жажома фаолиятининг бошқа қирралари ҳақида ҳам қисқача тўхташ лозим. У Бекобод бўйича ўтказилаётган «Экология ва саломатлик кунлари» кўрик-танловиди ҳам қатнашмоқда. Бу кўрик-танловнинг ўтган босқичларида биринчи ўринни, биринчи даражали диплом ҳамда пул мукофотини олишга муяссар бўлди.

«Тошвилюловчитранс» концерни корхоналари ўртасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва унинг самарасини ошириш юзасидан ташкил этилган танловда ҳам бўш келмаёпти. Унда иккинчи ўрин ва 70 минг сўмлик пул мукофотини олди.

Жажома йўловчиларга кўрсатилётган транспорт хизматини яхшилашнинг янги-янги имкониятларини излашни давом эттираяпти. Бу эса меҳнатда янада салмоқлироқ натижаларга эришиш гарови бўлади.

М. МАХМУДОВ.

Хиссадорлик жамиятида

Хозирда фанга 105 элемент ва уларнинг бирикмалари маълум бўлиб, улар маълум қонуниятга бўйсунди. Табиатда мавжуд бўлган ана шу қимбўй элементларнинг ҳар бири ихтиро этилганга қадар қанчалар олиму фузалолар тер тўкишди, табиат сирларини оғишда фидойийлик қилдилар, баъзилари бу йўлда ҳалок ҳам бўлдилар. Хуросон шоҳи Ал Мансурнинг жоҳилиги туфайли буюк кимёгарлардан бўлган Ал-Розий кўр бўлиб қолди. Ибн Сино асарлари ёкиб юборилди, Р. Лулл Африкада тошбўронда ўлдирилди. ХХ асрга келиб атом сирларни очилгач, унинг кунидан нотўғри йўлда фойдаланган кимсалар Япониянинг икки шаҳри кулини кўкка совурдилар. Кимёвий элементлар ва бирикмаларининг ҳоссалари нақадар турли-туманлиги ранг-баранглиги, улкан кубват ва энергияни ўзида потенциал ҳолда сақлаб туриши кўпчиликни ҳайрон қолдиради. Ҳар хил фикрларни ўйлашга, тажрибалар ўтказишга, қўпична жавоб топа олмаётган учун саволга жавоб тополмай қолишга тўғри келади. Мен умр бўйи кимёга қизиқиб келдим, унинг сир-асрорларини ўрганишга, янгилик яратиш, улардан халқ хўжалигида қўлланиш мақсадини бўлди. Талабаларимизга маърузалар ўқир эканман, дунё маълумлиги нақадар қўпчилиги, ранго-ранглиги, ҳодиса хусусиятлари ҳам бир-биридан фарқланиши, қимматбаҳо тошларнинг минг бир тусда товланиши, олмоснинг асли углерод (кўмир) бўлишига қарамай ҳар қандай металл қотишмаларни кешши ҳақида гапираман, яна фикрга ботун атмосфера-борлиқни ўраб олганимизни, барча тирлик мавжудотларга ҳаёт бахш этишимизни биласиз. Уч-тўрт

Сиздан миннатдорлар! РАҲМАТ!

Хурматли таҳрир! Сизларга йўллаётган ушбу мактубим ўз бурчинини сийқидилдан адо этиб инсон умрига-умр қўшаётган оққўнги шифокорлар ҳақида. Юқоричиқ тумани марказий касалхонасида ана шундай фидойи кишилар хизмат қилаётганликларидан бошим кўкка етди.

Оғир дард укам Тохир Нибёхўжаевни холдан толдирган эди. Уни мазкур шифохонага етқиздик. Бош врач Хайдар Бобохонов, жарроҳлик, жонлантириш бўлимлари бошлиқлари Хикматилла Бегимов, Асқар Қўлматовлар бемор ҳаёти учун соатлаб курашди. Асия Ли, Азиза Рўзибоева, Мастура Эшова, Сурайё Йўлдошева, Гулжамол Нибёбекова каби бири-биридан қаққон, меҳрибон ҳамширалар операция жараёнида ҳам, тузалыш босқичида ҳам тиним билмадилар. Бағри кенг шифокорлар, хозиржавоб ҳамшираларнинг гамхўрликлари туфайли укам яна ўз оиласига соғ-саломат қайтди. Бу масқанда бўлганимизда Гулнора Тулаева, Назира Укибаева, Азиза Салимова, Жапар Қўчибаева, Дилбар Умирбоева сингари орасталик бекаларининг очик чехралиги, ҳар бир беморга самимий муносабатларидан ҳам беҳад мамун бўлдик.

Элимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилаётган бу нажоткорларга чин дилдан раҳмат. Уларнинг кўллари ҳеч қачон толмасин.

Феруза НИЁХЎЖАЕВА.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ҚИРҚ ЙИЛЛИК МУХБИРИ

БУТУНГИ кунда мамлакатимизнинг айир кимёгар олимларидан бири бўлган Қудрат Ахмеров бундан 40 йил муқаддам «Тошкент ҳақиқати» остонасини хатлаб, илк хабарлари билан қатнаша бошлаган эди. Ушундан буён унинг муҳим ва муаммоли мақолалари нафақат «Тошкент ҳақиқати», балки, бошқа қатор олимий ахборот воситаларида ҳам босилиб келмоқда. Унинг 250 га яқин илмий ишланмалари, қатор монографиялари, 40га яқин муаллифлик гувоҳнома ва патентлари, дарслик, ўқув қўлланмалари эълон қилинган. Кимё ил-

мининг билимдони, кекса ва тажрибали улабчи, Тошкент кимё технологияси институти кафедра мудири, кимё фанлари доктори, профессор, олий таълим аълочиси, журналистлар уюмчаси аъзоси Қудрат Ахмеров тавалуд топангига 60 йил пўлди. Йирк олим, газетамизнинг фахрий жажонати муҳбири Қудрат Ахмеровни тавалуд топанг кунини билан мувожабат этиб, унга куч-куват, ошлай бахт, ижодий ютуқлар тилаймиз.

Қуйида Қ. Ахмеровнинг навбатдаги мақоласини эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

— Ҳа, бу дейман, ўша Кислород билан бириккўлиб, салдам ярим асрдан бери бутун Чирчиқ воҳасини захарлаб қислота ёмғирлари ёғдирганингизни ҳам эслайтиб ўтинг, — луқма ташлади гурун қатнашчиларидан бири. — Гап қўшмай, эшит, машҳур ал кимёгарлардан бўлиш Жобир Ибн Ҳайём бобом мен билан жуда дўст бўлганлар, мени ишга солганлар, ҳар хил тажрибаларга етаклаганлар. Натяжада жажонда биринчи бўлиб Нитрат қислотани олишга муваффақ бўлганимизни биласизларми? Эндиликда бу модда дунё миқёсида миллион тонналаб ишлаб чиқарилмоқда. Унгит санюати полимерлар, динамид, бўёқлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашёлардан бири ҳисобланади. Космик кемалар парвозида ҳам муважжиди. Углерод, Крёмний, Фосфор, Галоген-

лар, Олтингурут ва қанча-қанча металллар билан бириккўлимиз борлигига ва унинг ҳисобига ўзим ҳам ета олмаймаман.

Сўхбатга азот қўшилди. — Мен Кислород дўстим билан аралашма ҳолида бутун атмосфера-борлиқни ўраб олганимизни, барча тирлик мавжудотларга ҳаёт бахш этишимизни биласиз. Уч-тўрт

рида тажриба сифатида кўрсатилганидан бу тажриба энди олийгоҳларда ҳам намойиш қилинмаёпти. Негаки мен ва меннинг бирикмалари етишмас эмиз. Мен сизларни янгиликда бохабар қилиб қўйдим. Ўзбекистон геолог олимлари мамлакатимиз тоғ тизимларининг 50 дан ортқ ерида меннинг маълумларим бор қанларни аниқлашди, уларни ишга тушириш зарур деб ўйлайман.

— Бўстонлик тоғлари остиди етавриб, Мишьяккой ҳам эзилиб кетди-ку, гап қилиб Сурмақон, — иш таллаб маълумларни саногий кўп. Фақат ишбилармон акаларимиз, кимёгар олимларимиз яхши технологияларимиздан негадир шу пайтгача дарак йўқ, арзи-до-димишни эшитиб қоларман...

